2012 йил 30 май, чоршанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 106 (12.167)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Кўргазмалар

## ЗАМОНАВИЙ ҚУЛАЙ МИНИТЕХНОЛОГИЯЛАР НАМОЙИШИ

***Шаҳримиздаги «Ўзэкспомарказ»да еттинчи «Uzbekistan Agrominitech Expo-2012» қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналар халқаро ихтисослашган савдо-кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.***

Мазкур кўргазма, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан, илк бор 2006 йилнинг октябрида ўтказилган бўлиб, маҳаллий фермерларда катта қизиқиш уйғотди.

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва Фермер хўжаликлари уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган бу йилги кўргазма-савдода Германия, Хитой, Исроил, Италия, Польша, Франция каби 30 мамлакатдан қарийб икки юз йигирмадан ортиқ фирма ва компания ўз маҳсулотлари ҳамда хизматлари билан қатнашмоқда. Улар мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда қайта ишлаш, ун ва ем ишлаб чиқариш, боғдорчилик ва узумчилик учун минитехника ва ускуналар, қадоқлаш-ўраш линиялари, ўсимликлар муҳофазаси учун кимёвий моддалар, қоракўлчилик ва терини қайта ишлаш, иссиқхона хўжаликлари учун замонавий, тежамкор технологияларни намойиш этмоқда.

— Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал ривожланмоқда. Биз тадбиркорларимизга қулайлик яратиш мақсадида Чехиянинг «Revent» компанияси печларини тақдим этмоқдамиз, — дейди «Revent Tashkent» масъулияти чекланган жамиятининг лойиҳалаштириш ва вилоятлардаги сотувлар бўйича менежери Самандар Ҳасанов. — Чехиянинг «Revent» компанияси 1952 йилда ташкил топган бўлиб, 1958 йилдан дунёда биринчилардан ротацион услубда ишлайдиган печларни ишлаб чиқарган. Компаниянинг Ўзбекистондаги расмий дилерлик хизмати ўз фаолиятини 2010 йилда бошлаган. «Revent» компаниясида ишлаб чиқарилган автоматик бошқариладиган замонавий минитехнологиялар тадбиркорларимизда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бундай кўргазмалар тадбиркор ва ишлаб чиқарувчиларни сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқаришда қулай технологиялар билан таъминлаш имконини беради.

(Давоми 2-бетда)

***«Ўзэкспомарказ»да қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг «Uzbekistan Agrominitech Expo-2012» халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдоси давом этмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йил 24 августда қабул қилинган «Қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосини ўтказишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори асосида ташкил этилган мазкур анъанавий кўргазмада Германия, Хитой, Исроил, Испания, Италия, Польша, Чехия, Сингапур, Франция каби ўнлаб мамлакатлардан кўплаб фирма ва компаниялар ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан иштирок этаётир.***

## ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

**Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА мухбирлари кўргазма иштирокчиларининг айримлари билан суҳбатлашди.**

**Антон ВИБОВО, «Biomax technologies» компанияси вице президенти (Сингапур):**

– «Uzbekistan Agrominitech Expo» кўргазма-савдосида биринчи марта иштирок этаяпмиз. Кўргазма юқори савияда ташкил этилган. Компаниямиз органик чиқиндиларни қайта ишлашга мўлжалланган минитехнологияларни ишлаб чиқаради. «Биомакс» технологиялари ёрдамида чиқиндидан юқори сифатли, зарарсиз ва экологик тоза органик ўғитлар яратилади. Бундай минитехнологиялар қишлоқ хўжалиги соҳасида, айниқса, озиқ-овқат саноати, чорвачилик ва боғдорчиликда жуда қўл келади. Ускуналаримиз 24 соат ичида органик чиқиндиларни юқори сифатли ўғитга айлантира олади.

Кўргазма-савдода Ўзбекистоннинг қатор фирма ва компаниялари билан самарали мулоқотлар ўтказаяпмиз. Ўзаро алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга доир қатор шартномалар имзолаш ниятидамиз.

**Виктор СТРАХОЛЕС, «Техна» компанияси савдо департаменти директори (Украина):**

– Биз ушбу анъанавий кўргазмада ҳар йили мунтазам иштирок этамиз. Унинг иштирокчилари сони йил сайин кўпаяётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Ўзбекистонлик ҳамкорлар билан тузаётган шартномаларимиз сони ҳам тобора ошмоқда. Бу – Ўзбекистон иқтисодиёти жадал ривожланаётганидан далолатдир. Компаниямиз парранда етиштиришга мўлжалланган катакли техника ва технологиялар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Автоматлаштирилган замонавий технологияларимиз паррандаларни ташқи таъсирлардан ҳимоя қилиш, ўз вақтида озуқа билан таъминлаш ва ҳар томонлама сифатли ривожланишида ёрдам беради. Маҳсулотларимизга Ўзбекистонда талаб юқори.

**Жузеппе БАРОН, «Emiconref» компанияси савдо менежери (Италия):**

– Компаниямиз қишлоқ хўжалиги соҳасининг турли йўналишларида фойдаланиладиган музлатгичлар ишлаб чиқариш, совутгич омборларини лойиҳалаштириш, муз майдонларини ташкил қилиш, контейнерлар учун совутгич тизимлари ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

Мамлакатингизда хорижий сармоядорларнинг самарали иш юритиши учун қулай шарт-шароит ва имтиёзлар яратилган. Шу боис мазкур кўргазмада иштирок этиш таклифини бажонидил қабул қилдик. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати изчил ривожланиб бораётганини алоҳида қайд этиш жоиз. Кўргазма-савдода иштирок этишдан асосий мақсадимиз Ўзбекистондаги шерикларимиз сафини кенгайтириш ва улар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдан иборат.

**Алекс ЛИ, «Matipz» корпорацияси директори (Малайзия):**

– Корпорациямиз Малайзиядаги фирма ва компаниялар ишлаб чиқараётган озиқ-овқат маҳсулотлари ва технологиялар савдоси ҳамда уларнинг тарғиботи билан шуғулланади. «Uzbekistan Agrominitech Expo» кўргазма-савдосида иккинчи марта иштирок этяпмиз. Бу йилги кўргазмага гуручни майдалаш ва қадоқлаш технологиясини олиб келдик. Қуёш энергияси ёрдамида ишловчи ва энергияни тежовчи мазкур технологияга Европа давлатларида ҳам талаб катта.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**Мадина УМАРОВА**
**ёзиб олди**

## ШАНХАЙ УНИВЕРСИТЕТИДА ЎЗБЕКИСТОН ТАҚДИМОТИ

***Яқинда Шанхай университетида дунёнинг турли мамлакатларидан келган талабалар ўртасидаги маданий алоқалар ва дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган ярмарка бўлиб ўтди. Ҳар йили ўтказиладиган мазкур тадбир ушбу олий ўқув юртида анъанага айланиб қолган.***

Ушбу тадбир доирасида ўттиздан ортиқ мамлакат қаторида Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти ва маданий-тарихий меросининг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Унда мазкур олий ўқув юртининг ўқитувчи ва талабалари ҳамда Шанхайда аккредитациядан ўтган дипломатия миссияларининг вакиллари ва бошқалар иштирок этдилар.

Ўзбекистон бўлмасини келиб кўрган тадбир меҳмонлари миллий либосларимиз, халқ амалий санъати усталарининг ишлари билан яқиндан танишганлари баробарида ўзбек ошхонасининг анъанавий таомлари ва ширинликларини татиб кўриш орқали соф ўзбекона меҳмондўстликдан ҳам баҳраманд бўлдилар. Шунингдек, тақдимот чоғида Ўзбекистоннинг замонавий тараққиёти, мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, юртимизнинг мустақиллик йилларида эришган муваффақиятлари тўғрисидаги атрофлича маълумотлар ҳам иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди.

Тадбир интиҳосида унинг айрим қатнашчилари ўз таассуротлари ва фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

**Шанхай университетининг Халқаро ҳамкорлик бошқармаси директорининг ўринбосари Ян Зенсян** ўз университети дунёнинг турли мамлакатларидаги, жумладан, Ўзбекистондаги олий ўқув юртлари билан бевосита алоқаларни йўлга қўйишдан манфаатдор эканлигини маълум қилди. Ян Зенсян профессор-ўқитувчилардан иборат делегациялар алмашиш, ўзаро англашув меморандумини имзолашнинг имкониятларини ўрганиш орқали Ўзбекистондаги етакчи институтлар билан мулоқотни ривожлантиришнинг зарурлиги ҳақида фикр билдирди. Шанхай университетида жадал илмий-тадқиқот фаолияти олиб борилишини ҳисобга олган ҳолда, у олий ўқув юртлари ўртасида амалий фаннинг алоҳида мавзулари бўйича қўшма семинарлар ва форумларни ўтказиш таклифини билдирди.

**Шанхай университети партия қўмитаси котибининг ўринбосари Ли Цзянь** Ўзбекистоннинг иқтисодий муваффақиятлари ва юртимизда ҳукм сураётган осойишталик мустақил давлат шаклланишининг илк йилларидаёқ асос сифатида олинган ислоҳотлар тамойилларига изчил равишда риоя қилиш натижаси эканлигини таъкидлади.

У Тошкентда ўтказилган «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг Миллий модели: «Соғлом она – соғлом бола» ҳамда «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» мавзуидаги халқаро анжуманлар натижаларини юқори баҳолади. «Глобал молиявий инқирознинг таъсирига қарамай, ижтимоий соҳа ва аҳолига ғамхўрлик кўрсатиш Ўзбекистон ички сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб қолаётгани катта эътиборга сазовордир», деди Ли Цзянь.

**Шанхай университети ҳузуридаги ШҲТ халқаро ҳамкорликни ўрганиш институти деканининг ўринбосари Чжан Данхуа** ўзбекистонлик талабаларнинг мамлакатнинг тараққиёти ва гуллаб-яшнаши йўлида олган билимларини муайян соҳаларда қўллаш истаги билан рағбатлантирилган юксак тайёргарлик даражасини ҳамда уларнинг билимга чанқоқлиги, интилувчанлигини алоҳида қайд этди. У юртимиздаги олий ўқув юртлари билан ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатиш, академик ҳамкорликни жадаллаштириш, жумладан, икки мамлакат талабалари ва тадқиқотчилари ўртасидаги турли йўналишлар бўйича алмашинув ҳажмини ошириш юзасидан қизиқиш билдирди.

**«Жаҳон» АА**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

***Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.***

✓ **КЕЧА** Тошкент Фотосуратлар уйида «Хитойнинг замонавий рангтасвир санъати» бадиий кўргазмаси очилди. Тадбир «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамда Бутунхитой Халқаро дўстликни ривожлантириш уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

✓ **КЕЧА** Маънавият тарғибот маркази Яккасарой туман бўлими томонидан Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитасига қарашли Кинология марказида «Инсон хотираси боқий, қадр-қиммати улуғ» номли маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

✓ **ЭРТАГА** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйи ҳамда «Машинасозлар» маҳалласи ҳамкорлигида Оилашунос олима Ф. Сафаева иштирокида ўтадиган маънавий-маърифий давра суҳбати «Оилада ота-она ва фарзандлар муносабати» мавзусига бағишланади.

✓ **«ЎЗБЕКИСТОН** маданияти ва санъати форуми» жамғармаси кўмагида ташкил этилган кўргазмада Тошкентдаги кулоллар сулоласи вакиллари — Акбар ва Алишер Раҳимовларнинг «Нақшларнинг сеҳрли олами» мавзусига бағишланган ишлари намойиш қилинди.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Қашқадарё вилоятининг Миришкор туманидаги Помуқ иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида «Мустаҳкам оила – мамлакат таянчи» мавзуида дўстлик учрашуви бўлиб ўтди. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳамда вилоят миллий-маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда «Помуқ» қишлоқ фуқаролар йиғини фаоллари, касб-ҳунар коллежи ўқитувчи ва ўқувчилари, миллий маданият марказлари вакиллари иштирок этди.**

**● Мустаҳкам оила йилида Андижон вилоятининг 27 даҳасида 820 янги уй-жой қурилиши режалаштирилган бўлиб, айни кунда бу борадаги ишлар қизғин паллага кирган. Бу жараёнда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уйларнинг кириш йўлларини қуриш ва ободонлаштириш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

**● Самарқанд вилоятининг Нарпай туманида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда «Микрокредитбанк» очиқ акциядорлик тижорат банки томонидан «Банк ва коллеж ҳамкорлиги» лойиҳаси асосида амалий семинар ўтказилди. Касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган ёшларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган мазкур тадбирда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчилари ва уларнинг ота-оналари қатнашди.**

**● «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Адлия, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамкорлигида ўтказилаётган «Сиз қонунни биласизми?» республика кўрик-танловининг Бухоро вилояти босқичи якунланди. Унда беллашувнинг туман ва шаҳар босқичларида ғолиб чиққан 13 жамоа иштирок этди.**

### ЖАҲОНДА

**● Германияда атом энергетикасидан воз кечиш режасини амалга ошириш учун 20 миллиард АҚШ доллари атрофида маблағ талаб этилиши маълум бўлди.**

**● Кеча Лондон хом ашё биржасида бўлиб ўтган навбатдаги савдолар чоғида Brent русумли нефтнинг нархи 0,15 долларга пасайиб, бир баррели 106,68 долларни ташкил этди.**

**● Италия шимолида ер силкинишлари давом этмоқда. Навбатдаги зилзила оқибатида ўнга яқин киши ҳалок бўлди, минглаб кишиларнинг турар жойи, айрим тарихий бинолар вайронага айланди. Хабарларга қараганда, силкиниш кучи 5,8 баллни ташкил қилган. Сан-Феличе, Милан ва Аоста шаҳарларида фавқулодда ҳолат эълон қилинган. Темир йўл транспорти, мактаб ва боғчалар вақтинчалик ўз ишини тўхтатган. Айни пайтда аҳоли хавфсиз жойларга кўчирилмоқда.**

**● Жанубий Африка, Австралия ва Янги Зеландияда дунёда энг катта радиотелескоплар барпо этилади, деб хабар беради РАТА-ТАСС. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 2,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланади. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, бу радиотелескопларнинг ҳажми ҳозир мавжуд телескоплардан эллик марта катта, тезлиги эса ўн минг марта кучлироқ бўлади. Коинотни янада чуқурроқ тадқиқ этиш, унинг сирларини ўрганиш мақсадида яратилаётган ушбу технологияни 2016 йилда ишга тушириш режалаштирилган.**




# ЭКОЛОГИК ТОЗА ТРАНСПОРТ

***Кейинги пайтларда пойтахтимизда аҳоли сонининг кўпайиши, кўчаларда транспорт қатновининг муттасил ортиб бориши натижасида йўлларни аввалгисига нисбатан бирмунча кенгайтиришга эҳтиёж сезила бошлади.***

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳукуматимиз томонидан пойтахт транспорт инфратузилмасига алоҳида эътибор қаратилиши натижасида бугунги кунда йўлларимиз ҳар томонлама кенгайтирилиб, жаҳон андозалари талабларига мослаштирилди. Пировардида бугунги кунга келиб, пойтахт кўчаларида транспортларнинг тўпланиб қолиши ва бошқа ҳар қандай муаммоларнинг олдини олишга эришилди.

Айниқса, трамвайлар ҳаракатланишини серқатнов марказий кўчалардан янги ишга туширилган айланма йўлларга кўчирилиши ўзига хос транспорт қатнови инфратузилмасини яратиш имкониятини берди.

— Сўнгги пайтларда ҳукуматимиз томонидан пойтахт йўловчи транспорти инфратузилмасига алоҳида эътибор қаратаётганлиги бежизга эмас, — дейди биз билан суҳбатда 3-трамвай депоси раҳбари Мирҳосил Холматов. — Чунки дунёдаги кўплаб мамлакатларнинг марказий шаҳарлари гавжум кўчаларига эътибор берган бўлсангиз, у ерда истиқомат қилаётган аҳоли транспортдан кўра пиёда ёки велосипедда юришни афзал билади. Албатта, буларнинг барчаси бир пайтлари келажакни ўйламай, аҳоли сони ва транспорт қатнови кенгайишини ҳисобга олмаган ҳолда иш тутилганлигининг оқибатидир. Бугунги кунда ҳукуматимиз ва шаҳар ҳокимлиги томонидан пойтахт транспорт қатнови инфратузилмасига алоҳида эътибор қаратилаётганлигини эртани ўйлаб амалга оширилаётган ишлар деб тушуниш мумкин.

Тан олиш зарурки, бундан бир неча ойлар аввал трамвайлар қатновининг марказий кўчалардан айланма йўлларга кўчирилишига аҳолининг кўникма ҳосил қилиши бирмунча қийин кечган бўлсада, айни пайтда транспортларимизда йўловчилар сони аста-секинлик билан ўз меъёрига туша бошлади. Мана масалан, ўтган тўрт ойлик даврга назар соладиган бўлсак, ана шу муддатда 2413,66 нафар йўловчининг узоғини яқин қилган бўлсак, бу кўрсаткич орқали аввалги даврларга нисбатан йўловчилар сони бир неча баробарга ортганлигини кузатишимиз мумкин. Белгиланган режага кўра, йўловчилардан тушадиган даромад миқдори 102 фоизга бажарилди. Айни пайтда йўловчиларга «Татра», Vajio», «Спектр-1» сингари 40 дан ортиқ замонавий трамвайлар намунали хизмат кўрсатмоқда.

Энг муҳими, эса шаҳримиз кўчалари ҳуснига ҳусн бағишлайдиган ва бошқа транспорт воситаларига нисбатан экологик жиҳатдан тоза ҳисобланган транспорт турига аҳолининг ишончи тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Бу эса жамоани янада сифатли ва намунали хизмат кўрсатишга, янги мақсадлар сари олға интилишга ундайверади.

**Дилмурод ИСМОИЛОВ**

***Тошкентда учинчи сектор вакиллари учун шу мавзуда икки кунлик семинар-тренинг бўлиб ўтмоқда. Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси томонидан Словениянинг «Минтақавий мулоқот» халқаро нодавлат ташкилотининг Ўзбекистондаги филиали билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда халқаро экспертлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, вазирликлар, идоралар, муассасалар вакиллари, журналистлар иштирок этмоқда.***

# НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ САЛОҲИЯТИ ОШМОҚДА

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда демократик қадриятларни мустаҳкамлаш, ҳамюртларимизнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллигини ошириш, ҳаётга татбиқ этилаётган демократик ислоҳотларни кенгайтириш ҳамда чуқурлаштиришда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва аҳамияти йилдан йилга ортиб бормоқда. Бу жараёнларда кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда ҳал қилувчи куч бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлари алоҳида ўрин тутади. Шунинг учун учинчи секторга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланган.

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси раиси А.Каримов мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотларини ривожлантириш бўйича демократик талаблар ва стандартларга жавоб берадиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида учинчи секторни ривожлантириш, унинг салоҳиятини мустаҳкамлашга доир янги вазифалар белгилаб берилган. Европа Иттифоқининг «Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бўйича мулоқот» лойиҳаси асосида ўтказилаётган ва «Минтақавий мулоқот» халқаро нодавлат ташкилоти томонидан молиялаштирилаётган ушбу семинар-тренинглар мазкур муҳим вазифаларни ҳал этишга хизмат қилади.

– Ўтказилаётган семинар-тренинг турли ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни ишлаб чиқиш, ҳаётга татбиқ этиш ва ривожлантириш орқали Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларининг салоҳиятини мустаҳкамлашга йўналтирилган, – дейди «Минтақавий мулоқот» халқаро нодавлат ташкилоти филиалининг раҳбари Мьюши Север. – Шуниси аҳамиятлики, унда давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари вакиллари ҳам қатнашмоқда. Бу давлат ҳамда нодавлат сектори ўртасидаги мулоқот сифатини оширишга хизмат қилади. Бир ой давомида турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирокида шу каби кўплаб семинар-тренинглар ташкил этилади.

Тадбирда учинчи сектор вакиллари лойиҳаларни режалаштириш, амалга ошириш ва ривожлантириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб муаммоларини ҳал қилишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида ижтимоий ҳамкорликни кенгайтириш, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик ва бошқа кўплаб масалалар юзасидан зарур билим ҳамда кўникмаларга эга бўлади.

**Сардор ТОЖИЕВ,**
**ЎзА мухбири**

# ЗАМОНАВИЙ ҚУЛАЙ МИНИТЕХНОЛОГИЯЛАР НАМОЙИШИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Анъанавий тарзда ўтказилаётган «Uzbekistan Agrominitech Expo» кўргазмалари мамлакатимиз фермер ва тадбиркорларига қишлоқ хўжалик ускуналарини ишлаб чиқарувчи хорижий фирма ва компаниялар билан узоқ муддатли ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади, шунингдек, ўзимизда ҳам шундай ускуналар яратишни ва техник хизмат кўрсатишни йўлга қўйишга имкон туғдиради.

Таъкидлаш жоизки, аввал ўтказилган олтита «Uzbekistan Agrominitech Expo» кўргазмаларининг натижаларига кўра, умумий қиймати 135,7 миллиард сўмга тенг 2258 лойиҳа амалга оширилган бўлиб, янги иш ўринлари яратиш ва ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришга эришилди. Савдо-кўргазмалари ишида, дунёнинг 30та мамлакатидан 220дан ортиқ компаниялар ҳамда республикамиз ҳудудларидаги фермер хўжаликларидан 32 мингдан ортиқ вакиллар иштирок этди. Айнан улар учун «Минитехнологиялар ва ихчам ускуналар харидини молиялаштириш ва кредитлаштириш шартлари», «Мева ва сабзавотларни қайта ишлаш бўйича замонавий минитехнологиялар», «Сут ва гўшт маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича минитехнологиялар» каби мавзуларда семинарлар ўтказилди. «Uzbekistan Agrominitech Expo-2012» савдо-кўргазмаси мева-сабзавот, гўшт ва сут, ун ва омухта ем, боғдорчилик ва узумчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, қадоқловчи жиҳозлар, ўсимликлар муҳофазаси учун кимёвий препаратлар, ветеринария, қоракўлчилик ва чармни қайта ишлаш бўйича минитехника ва миниускуналар каби юзга яқин йўналишларни қамраб олган. Савдо-кўргазма ишида минитехнологиялар ва ихчам ускуналар сотиб олишнинг мавжуд молиявий усуллари ҳақида юртимиз истеъмолчиларини хабардор қилиш мақсадида республикамизнинг банк ва лизинг компанияларидан вакиллар иштирок этмоқдалар.

**Зиёда РАСУЛОВА**
**Козим Ўлмасов олган сурат**

# ХУСУСИЙЛАШТИРИШ – ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ ОМИЛИ

***Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасида Баҳоловчи ташкилотлар ассоциацияси билан ҳамкорликда давлат активларини хусусийлаштириш ва уларни баҳолаш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда тегишли соҳа мутахассислари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.***

Мамлакатимизда хусусий мулк устуворлигини таъминлаш, давлат мулкини самарали бошқариш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар иқтисодиётнинг юксалишида муҳим омил бўлаётир. Зеро, давлат мулкини тўғри ва оқилона бошқариш орқали сифатли, рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, аҳоли бандлиги ва даромадини оширишга эришилмоқда.

Бу борадаги ишлар самарадорлигини янада оширишда Президентимизнинг 2012 йил 25 апрелда қабул қилинган 2012-2013 йилларда давлат мулкини хусусийлаштириш дастури тўғрисидаги қарори муҳим омил бўлаётир. Мазкур қарорда икки йил давомида 560 давлат активини хусусийлаштириш кўзда тутилган. Жумладан, нефтгаз, энергетика, металлургия, қишлоқ хўжалиги, енгил саноат, электротехника, фармацевтика саноати каби тармоқларга тегишли қарийб беш юз объект очиқ савдолар орқали, олтмишдан ортиқ бўш турган, ишламаётган ҳамда қурилиши тугалланмаган объект танлов асосида инвестиция мажбурияти эвазига «ноль» қийматда истиқболли инвесторларга сотилади.

Амалдаги тартибга кўра, давлат активлари очиқ савдолар орқали сотилади ва бунда инвесторлар хусусийлаштириладиган объектлар ҳақида барча зарур маълумотларни олиши учун етарли шароит яратилиб, бу жараённинг очиқ-ошкора ўтиши таъминланади. Жорий йилда мазкур объектларнинг қарийб уч юзтасини хусусийлаштириш режалаштирилмоқда.

Бу жараёнда давлат активларини баҳолаш алоҳида аҳамиятга эга. Мамлакатимизда баҳолаш хизмати изчил ривожланиб, соҳа қонунчилик базасининг мустаҳкамланаётгани ва зарур шарт-шароитлар яратилаётгани бунда муҳим омил бўлаётир.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 24 апрелда қабул қилинган «Баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифати учун уларнинг масъулиятини ошириш тўғрисида»ги Қарори баҳолаш фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш ҳамда иқтисодиётни ислоҳ этишнинг таркибий қисми бўлган мол-мулк баҳоланишини ривожлантиришда дастуруламал бўлаётир.

Мазкур қарорга мувофиқ, мамлакатимизда 2009-2015 йилларга мўлжалланган баҳолаш фаолиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ишлаб чиқилди. Бу қонунчилик базасини янада такомиллаштириш, малакали мутахассислар тайёрлаш, баҳолаш фаолияти миллий ахборот тизимини шакллантириш, лицензия бериш самарадорлигини ошириш, баҳолаш натижаларидан фойдаланувчилар билимини мустаҳкамлаш ишларида ўз ифодасини топмоқда.

Анжуманда хусусийлаштириш жараёнида мулк қийматини баҳолаш, баҳолаш ҳисоботларини тайёрлаш, уларни экспертизадан ўтказиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида фикрлашилди.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири**

***Глобаллашув жараёнида ҳаётни техника воситалари, хусусан, автомобилларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Аммо энди экологик тозаликка эришиш, техника хавфсизлигини таъминлаш ўта муҳим вазифага айланади. Бундан ташқари, иқтисодий масала ҳам бор. Автомобилларни сиқилган (метан) ҳамда суюлтирилган (пропан) газ билан ишлатиш ҳам экологик жиҳатдан тоза, ҳам иқтисодий жиҳатдан арзон бўлиб қолди.***

Қарор ва ижро

# ГАЗ БИЛАН ЮРАДИГАН АВТОМОБИЛЛАР ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Шу мақсадда ҳозир бензин ёқилғиси билан юрадиган автомобилларни газга мослаштириш ишлари кучайиб боряпти. Биргина Тошкент шаҳрининг ўзида сиқилган газ билан юрадиган автомобилларнинг 77 мингдан ортиғи рўйхатга олинган. Пойтахтимизда жами 27 та автомобилларга газ тарқатиш компрессор шохобчаси (АГТКШ) мавжуд. Шулардан 11 таси автомобилларга сиқилган газ қуяди.

Ҳар бир янгиликнинг ўз муаммолари ҳам бўлиши мумкин. Жумладан, жорий йилнинг сўнгги ойларида республикамизнинг бир неча автомобилларга сиқилган ёки суюлтирилган газ тарқатиш шохобчасида фавқулодда вазиятлар содир бўлди. Бу эса мазкур ҳолатлар шаҳар ҳокимлиги ва шу соҳага масъул идоралар раҳбарларини бу борадаги фаолиятини тубдан кўриб чиқиб, тегишли хулосалар чиқаришга ундамоқда.

Шу йилнинг 12 – 13 май кунлари Тошкент шаҳри Фавқулодда вазиятлар бошқармаси, Ички ишлар бош бошқармаси, Йўл ҳаракати хавфсизлиги ва Ёнғин хавфсизлиги бошқармалари ҳамда туман ҳокимликларининг масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳи пойтахт ҳудудидаги автомобилларга сиқилган газ тўлдириш компрессор шохобчалари томонидан хизмат кўрсатилган 9 минг 138 та автомобилни газдан хавфсиз фойдаланиш жиҳатидан ўрганиб чиқди. Натижада бир қанча ҳолатларда камчиликларга йўл қўйилаётгани, қонун бузилиши рўй бераётгани аниқланди.

Хусусан, 418 та автомобилдаги газ баллонларининг яроқлилик ва синовдан ўтказиш муддати тугаган. 1 минг 434 та автомобилнинг тегишли ҳужжатларида камчиликлар мавжуд. 369 та автомобиль ҳайдовчиси ўрганиш жараёнида ишчи гуруҳ кўригидан ўтказишдан бош тортиб, қочиб кетди.

Газ билан юрадиган автомобиллар ҳайдовчиларида тегишли ҳужжатлар бўлиши, жумладан, «СПГ» муҳри қўйилиши керак. Аммо 221 та автомобилда шундай муҳр йўқлиги аниқланди. 691 та автомобилда эса стандарт сертификатлари мавжуд эмас. 517 та транспорт воситасида баллоннинг яроқлилик муддатини текшириш ва яроқлилигини аниқлаш далолатномаси йўқ. 1 минг 127 ҳайдовчи ўқув марказларининг махсус гувоҳномасини кўрсатолмади. Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасидан баллон ўрнатувчи ташкилот учун берилган гувоҳноманинг бўлмаганлари 606 тани, Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг техник кўригидан ўтмаганлари 360 тани, суғурта полиси бўлмаганлари эса 336 тани ташкил этди.

Шохобчаларда ўтказилган тунги тезкор рейдларда шохобчага кириш жойида автомобилларнинг тегишли ҳужжатларини ва газ баллонларининг ҳолатини текшириш йўлга қўйилмагани, автомобилга газ тарқатиш ишлари бу масалага эътибор қилмаган ҳолда амалга оширилаётгани, автомобилдаги йўловчиларнинг шохобча ҳудудига киритилиши тақиқланмаётгани, баллонларга белгиланган меъёридан ортиқ газ қуйилаётгани, шохобчага кириш олдида ноқонуний тарзда салқин ичимликлар ва тез тайёр бўладиган овқатлар сотилаётгани ҳам аниқланди.

Таҳлиллардан кўриниб турибдики, шохобча раҳбарлари ўз ишларига масъулиятсизлик билан ёндашиб, хавфсизликни таъминлашга панжа орасидан қарамоқда, объектга масъул навбатчилар ҳамма вақт ҳам ўз жойида бўлмаяпти, ички назорат ўрнатилмаган, шохобчаларда бу соҳани мутлақо тушунмайдиган, асосий нияти фақат пул ишлашга қаратилган, тегишли мутахассислиги мавжуд бўлмаган ишчи-ходимлар фаолият кўрсатаётир.

Ҳолбуки, шу йилнинг 1 апрелида бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 94-қарори қабул қилинди. Қарор ижросини таъминлаш бўйича шу йилнинг 11 майида Вазирлар Маҳкамасининг йиғилиши ўтказилди.

Вазирлар Маҳкамасининг ана шу қарори баёнида белгиланган вазифаларни бекаму кўст бажариш, шунингдек, автомобилларга газ тўлдириш шохобчаларидаги умумий хавфсизлик ҳолатини, хусусан, фуқаролар ҳаётига хавф солувчи салбий омилларни бартараф этиш мақсадида шу йилнинг 22 майида шаҳар ҳокимлигининг «Тошкент шаҳрида жойлашган ва фаолият юритаётган автомобилларга газ тарқатиш компрессор шохобчаларининг хавфсиз фаолиятини тартибга солишга қаратилган қўшимча чоралар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор10 банддан иборат.

Таъкидлаш жоизки, қарорнинг ҳар бир бандида АГТКШнинг хавфсиз фаолиятини тартибга солишга қаратилган муайян вазифалар белгиланган. Шаҳардаги шу соҳага масъул идораларга бу борада тезкорлик билан амалга ошириладиган ишлар бўйича аниқ йўналишлар кўрсатиб берилган.

Жумладан, 1-бандда кўтарилган масала юзасидан тузилган ишчи гуруҳнинг шаҳардаги автомобилларга сиқилган ва суюлтирилган газ тарқатиш компрессор шохобчаларининг ҳолати, шаҳардаги автомобилларга газ баллонларини ўрнатувчи корхоналарнинг қай даражада фаолият юритаётгани ҳамда газ баллонларининг давлат стандарти талабларига жавоб бериш даражасини, шунингдек, ҳайдовчилар томонидан уларга юклатилган мажбуриятларнинг нечоғли бажарилаётгани ҳолатини мунтазам равишда ўрганиб бориш лозимлиги ҳақидаги таклифи маъқулланди.

4.1-бандда мана бундай сўзларни ўқиймиз: «Давлат стандарти талаблари бўйича ҳужжатлари бўлмаган мослама ва газ ускуналарини сертификатлаш ҳолатларига чек қўйилсин».

5-банд автомобилларга газ тарқатиш шохобчалари раҳбарлари масъулиятини оширишга қаратилган. 5.2-бандда шохобчага кираверишда алоҳида ходим ажратиб, унга автомобилларнинг тегишли ҳужжатларини текшириш, муддати ўтган газ баллонлари бўлган машиналарни шохобчага киритмаслик, ҳайдовчи ёнидаги бошқа йўловчиларни тушириш вазифалари юклатилиши мустаҳкамланган. Шунингдек, бундан буён автобус ва микроавтобуслар устига ўрнатилган газ баллонлари ҳолатини текшириш учун шохобча ҳудудида алоҳида майдончалар ва мосламалар ўрнатилади. Шохобча ҳудудининг ҳайдовчи ва ходимларга кўринадиган жойларида газ баллонлари ва мосламаларининг портлаши билан боғлиқ нохуш ҳолатлар оқибатларини акс эттирувчи огоҳлантирув руҳидаги расмлар (баннерлар кўринишида) ва тегишли меъёрий ҳужжатлар рўйхатини осиб қўйиш чораларини кўриш ҳам кўзда тутилган.

Хуллас, модомики, шаҳримизда автомобилларни сиқилган (метан) ва суюлтирилган (пропан) газ ёқилғиси билан ишлатишга қизиқиш кучайиб бораётган экан, бу борада хавфсизликни таъминлаш, яъни газ баллонлари ва газ мослама-ускуналари билан боғлиқ нохуш ҳолатлар юз беришининг олдини олиш, бунинг учун эса шу соҳага алоқадор барча ташкилотларнинг, шунингдек, ҳайдовчиларнинг масъулиятини ошириш талаб этилади.

# Инсон ва қонун

***Маълумки, маънавий қадриятларимизга кўра, халқимиз азал-азалдан оилани муқаддас деб билган. Айнан ана шу тамойил қўллаб-қувватланиб, Асосий Қомусимизнинг 63-моддасида оила жамиятнинг асосий бўғини эканлиги ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эгалиги қатъий белгилаб қўйилди.***

Ислоҳотлар оқимида

## МУСТАҲКАМ ОИЛА — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Таъкидлаш жоизки, мустаҳкам оила деганда энг аввало, маънавий жиҳатдан баркамол бўлган оила тушунилади. Зеро, маънавий етук инсонгина ҳаётдаги барча қийинчиликларни мардонавор енгиб ўтиб, оиланинг тинч-тотув, бахтли яшаши учун барча имкониятларни яратишга интилади.

2012 йилнинг «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилиниши муносабати билан оилалар, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш, жисмонан соғлом, маънан баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг, қолаверса маҳалланинг ролини ошириш мақсадида бир қанча дастурлар қабул қилинди.

Олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида оилалар, хусусан, ёш оилалар моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. Бунда асосий эътибор ёш оилаларга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари, турар жой ва бошқа истеъмол товарлар сотиб олишлари учун узоқ муддатли имтиёзли кредитлар ажратишга қаратилмоқда. Қишлоқ жойларда хусусий уй-жойларни қуриш бўйича кенг кўламли дастур амалга оширила бошланганидан буён, яъни сўнгги икки йил давомида 15 мингдан зиёд оила ҳар томонлама қулай янги уй-жойларга эга бўлганлиги эътиборга лойиқдир.

Сўнгги йилларда давлатимиз томонидан яна бир муҳим масала — аҳоли бандлигини оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Мазкур масаланинг самарали ҳал этилиши меҳнатга лаёқатли оила аъзоларининг иш билан таъминланишига, бу эса оила даромадининг ошишига хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан маъқулланган 2012 йилда иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига мувофиқ жорий йилда 970 мингга яқин иш ўрни яратилиши кўзда тутилган. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш ҳисобидан 480 мингдан зиёд киши ишга жойлаштирилиши, биринчи навбатда, корхоналар билан ҳамкорликда меҳнат шартномалари асосида касаначиликнинг турли шаклларини, шунингдек, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали 210 мингдан ортиқ кишининг бандлигини таъминлаш режалаштирилган. Ана шу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, давлатимиз томонидан амалга оширилаётган бу борадаги тадбирлар ҳам келгусида оила мустаҳкамлигини таъминлашга хизмат қилади.

Қайд этиш жоизки, сўнгги йилларда мамлакатимизда истиқомат қилувчи оилалар фаровонлигини ошириш мақсадида иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2012 йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизда жами 817,9 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, турли хизматлар йўлга қўйилди. Ўсиш суръати 2011 йилнинг шу давридагига нисбатан 119,6 фоизни ташкил этди. Аҳолига 439 миллиард сўмлик (120,9 фоиз) пуллик хизматлар кўрсатилди. Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича 72,6 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ўзлаштирилди ёки режага нисбатан 277 фоизга бажарилди, экспорт прогнози кўрсаткичлари ортиғи билан уддаланди.

Юқорида санаб ўтилганлардан келиб чиқиб таъкидлаш жоизки, қайд этилган ишларнинг амалга оширилиши «Мустаҳкам оила йили»да оилалар фаровонлигини оширишга, бу эса жамият таянчи бўлган оилаларнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

**Улуғбек АБДУРАХМАНОВ,**
**Миробод туман прокурорининг ёрдамчиси, 3-даражали юрист**

***Мамлакатимиз мустақилликка юз тутганидан сўнг ёшлар тарбияси, уларни ҳар томонлама баркамол тарзда вояга етказиш ишлари давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, бу масалага жиддий эътибор қаратила бошланди. Бу борада Юртбошимиз «Биз соғлом авлодни тарбиялаб етиштиришимиз зарур. Соғлом инсон тўғрисида сўз юритилганда биз нафақат жисмонан соғломликка, балки, улуғ инсонийлик ғоялари руҳида тарбияланган, мустаҳкам ахлоқий нормаларга эга бўлган инсонни назарда тутамиз», дея таъкидлаган эдилар.***

## ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ТАРБИЯСИ — ЖИДДИЙ МАСАЛА

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда аҳолининг қарийб 35 фоизини 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ташкил этяпти. Албатта, ушбу ёшлар келажагимиз бунёдкорларидир.

Шунга асосан, боланинг соғлиғини муҳофаза қилиш, жисмоний, интеллектуал, маънавий ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашиш бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари сифатида мустаҳкамланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, инсон шахси ҳали вояга етмаган чоғида шаклланиб боради. Ушбу даврда шахс ниҳоятда ўзгарувчан бўлади. Вояга етмаганлар шу даврда ёмон тарбияланса ёки уларга турли салбий ижтимоий иллатлар ўз таъсирини ўтказса, уларнинг бу хусусиятлари келгуси ҳаётида ҳам таъсир этади. Зеро, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқишига замин яратувчи асосий омил урбанизация ёки бошқа демографик жараёнлар эмас, балки аввало оила, мактаб ва бошқа ўқув муассасаларидаги тарбиянинг камчиликлари сабаб бўлади.

Вояга етмаганларнинг шахсий хусусиятлари, ахлоқий тарбиясизлиги уни ҳуқуқбузарликка олиб келувчи сабаблардан биридир. Чунки ким енгилтаклик билан ахлоқий нормаларни бузса, у албатта осонлик билан қонунни ҳам бузиши мумкин.

Вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг асосий сабабларидан бири, бу ўқиш ва билим олишга нисбатан эътиборсизлик билан муносабатда бўлиш, бекорчи вақт ўтказишга интилишдир.

Маълумки, болалар нафақат дарс жараёнида, балки дарсдан ташқари вақтларда ҳам тарбия таъсири остида бўлишлари керак. Шу боис мактаблар, турар жойлар педагогик марказларга айланиб, ўқитувчилар ўз ўқувчилари, қандай яшаётганликлари ва улар бўш вақтларини қай тариқа ўтказаётганликлари борасида жавобгарликни ўз зиммаларига олишлари лозим деб ўйлаймиз. Таҳлиллар шундан далолат берадики, қаерда педагогик жамоалар бундай жавобгарликни ўз зиммаларига олиб, ўқувчиларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этган бўлсалар, ўша ерда ҳуқуқбузарликлар жуда кам содир этилади.

Хулоса сифатида шуни айтиш керакки, ҳозирги пайтда вояга етмаганлар томонидан содир қилинадиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш долзарб муаммолардан биридир. Чунки келгуси ишларнинг давомчилари айнан ўсиб келаётган ёш авлодлар, улар давлатнинг келажагини белгилайди. Вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун, аввало уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлашимиз ва бартараф этишимиз мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, жойларда умумий профилактикадан унумли фойдаланиш ва уларни юритишда ёшлар тарбиясига бевосита масъул шахслар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликнинг яхши йўлга қўйилиши ижобий натижаларни беради. Бундан ташқари ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этган вояга етмаганлар билан якка профилактик тарбиявий ишларни юритишда уларнинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олиб ташкиллаштирилиши ҳам мақсадга мувофиқдир.

**Отабек УМАРБЕКОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси 4-ўқув курси тингловчиси**

Сўранг, жавоб берамиз

## ТАДБИРКОРГА ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ

**Савол: Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш давлатимиз иқтисодий сиёсатининг устувор вазифаси ҳисобланади. Менга кичик бизнес субъектлари доираси ҳақида тушунтириш бериб ўтсангиз.**

**А.Ботиров,**
**Сергелли тумани.**

**Жавоб:** «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида» ги Қонунга асосан, кичик тадбиркорлик субъектлари доирасига қуйидагилар киради:

якка тартибдаги тадбиркорлар;

ишлаб чиқариш тармоқларидаги банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан йигирма киши, хизмат кўрсатиш соҳасидаги ва бошқа ноишлаб чиқариш тармоқларидаги банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан ўн киши;

улгуржи ва чакана савдо ҳамда умумий овқатланиш тармоқларидаги банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан беш киши бўлган микрофирмалар;

қуйидаги тармоқлардаги, енгил ва озиқ-овқат саноатидаги, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочсозлик, мебель саноати ҳамда қурилиш материаллари саноатидаги банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан юз киши;

машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, қурилиш ҳамда бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳаларидаги банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан эллик киши;

фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳалари (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларида, банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан йигирма беш киши бўлган кичик корхоналар.

**Анвар ШУКУРУЛЛАЕВ,**
**Тошкент шаҳар хўжалик суди судьяси**

**Савол: Мен хусусий корхона очадиган бўлсам нималарга эътибор беришим керак.**

**М. Мирзаев,**
**Учтепа тумани.**

**Жавоб:** «Хусусий корхона тўғрисида» ги Қонунга асосан, мулкдор ягона жисмоний шахс томонидан тузилган ва бошқариладиган тижоратчи ташкилот хусусий корхона деб эътироф этилади.

Хусусий корхона ўз мулкида алоҳида мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўлиши ҳамда уларни амалга ошириши, мажбуриятларни бажариши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Хусусий корхона ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб беради.

Хусусий корхона мулкдори корхонанинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда хусусий корхонанинг мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли мол-мулк билан қонун ҳужжатларига мувофиқ субсидиар жавобгар бўлади.

«Хусусий корхона тўғрисида» ги Қонунга кўра, хусусий корхона тўлиқ фирма номига эга бўлиши лозим ва қисқартирилган фирма номига эга бўлишга ҳақли. Хусусий корхонанинг тўлиқ фирма номи унинг тўлиқ номини ва «xususiy korxona» деган сўзларни ўз ичига олган бўлиши керак. Хусусий корхонанинг қисқартирилган фирма номи унинг қисқартирилган номини ва «xususiy korxona» деган сўзларни ёки «ХК» аббревиатурасини ўз ичига олиши керак.

**Павел МАЗУРКИН,**
**Тошкент шаҳар хўжалик суди судьяси**

## ҚАРОР ИЖРОСИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

***Ҳозирги кунда исталган озиқ-овқат дўконларида хоҳлаган маҳсулотингизни харид қилишингиз мумкин. Эътиборли томони шундаки, бугунги кунда четдан турли хилдаги маҳсулотларнинг республикамиз ҳудудига қонуний равишда олиб келиниши кафолатланган.***

Мазкур йўналишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2002 йил 6 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига жисмоний шахслар томонидан товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори ижроси тегишли идоралар томонидан изчил амалга оширилмоқда.

Юнусобод туман ДСИ ходимлари томонидан мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида, жорий йилнинг 15 май ҳолатига ўтказилган тадбирлар натижасида 68 та савдо тармоқларида қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган.

Тадбирлар давомида юридик ва жисмоний шахслардан кирим ҳужжати ва мувофиқлик сифат-сертификати бўлмаган жами 102,7 миллион сўмлик товар-моддий бойликлар олиб қўйилган.

Солиқ хизмати ходимларига бириктирилган ҳудудларда жойлашган савдо тармоқларининг раҳбарлари билан мунтазам равишда тушунтириш ишларининг олиб борилиши натижасида мазкур йўналишда қонунбузилиш ҳолатлари кескин камайган.

**Х.ТУЛЯГАНОВ,**
**Юнусобод тумани Давлат солиқ инспекцияси «Солиқ текширишлари» бўлими бошлиғи**



***Барчамизга маълумки, давлатимиз мустақилликка эришганидан сўнг юртимизда халқимиз фаровонлиги, турмуш даражасини ошириш ва ижтимоий ҳимояси йўлида бир қатор салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.***

## ҚИНҒИР ИШ АЛБАТТА ФОШ БЎЛАДИ

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳам шулар жумласидандир.

Бугунги кунда ушбу халқпарварлик йўлида амалга оширилаётган ишларнинг ортида айрим нопок кимсалар соддадил ва самимий халқимизнинг айрим вакиллари ишончини алдов йўли билан қозонган ҳолда уларни қабиҳ ишларни амалга оширишга ундашмоқда.

Чунончи, ҳозирда Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаларининг кўпгина туман бўлимларида фуқароларга пенсия ва нафақалар тайинлаш бўйича расмийлаштирилган ҳужжатларнинг қонунийлиги юзасидан олиб борилаётган текширишларда юқорида айтиб ўтилган алдовларнинг маҳсули ёки айрим боқиманда руҳидаги ишёқмас кимсаларнинг ўз нафслари йўлида иш стажларини ва ойлик иш ҳақларини ошириб кўрсатиш ҳоллари учрамоқда. Табиийки, бу ишларни амалга оширишда айрим корхона, ташкилотлар ва хусусий фирмаларнинг масъулиятсиз раҳбар ходимлари ўзларининг ёрдам қўлларини чўзишгани ойдинлашмоқда. Бунинг натижасида давлат бюджетига катта миқдорда зарар етказилганлигига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Юқорида айтиб ўтилганлардан келиб чиқиб, биз ушбу мақолада меҳнаткаш, ҳалол ҳолда фаолият кўрсатиб келаётган раҳбар ходимлар ва тадбиркорларимизга «Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг қуйидаги бандини яна бир бор эслатиб ўтиш кераклигини жоиз деб билдик.

Ишончсиз маълумотлар, пенсияга бўлган ҳуқуқларни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатлардаги маълумотларни бузувчи тузатишлар аниқланганда, шунингдек, пенсияларни тайинлаш ва тўлаш учун иш берувчи ёки архив томонидан берилган ҳужжатлар сохталаштирилганда ва қалбакилаштирилганда давлатга етказилган зарар суммасини ундириш учун жавобгарлик, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, ушбу ҳужжатларни берган ташкилотлар ва архивнинг мансабдор шахсларига юкланади.

Пенсионер томонидан содир этилган суиистеъмолликлар (атайлаб нотўғри маълумотлар билан ҳужжатлар тақдим этилиши, боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланган оила аъзолари таркибидаги ўзгаришлар тўғрисида маълумотлар тақдим этилмаслиги) натижасида унга пенсиялар суммасининг ортиқча тўланиши туфайли давлатга етказилган зарарни тўлаш мажбурияти пенсионерга юкланади.

**Хушнуджон МАҲМУДОВ,**
**Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Учтепа туман бўлими бошлиғи ўринбосари**

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

## КИТОБГА ОШНО БОЛАЛАР

***Мамлакатимизда давом этаётган «Ҳар бир фарзандга меҳр, эътибор!» шиори остидаги ҳафталик доирасида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Республика болалар кутубхонаси ҳамкорлигида маърифий тадбир ўтказилди.***

Унга Тошкентдаги Меҳрибонлик уйлари, махсус мактабларнинг тарбияланувчилари, ўқувчи-ёшлар таклиф этилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлодни ҳар жиҳатдан баркамол, юксак маънавиятли шахс этиб тарбиялаш борасидаги эзгу ишларда маънавият ва маърифат, маданият ва санъат даргоҳлари, болалар ижодиёти марказлари моддий-техник базасини тубдан яхшилаш, фаолиятини замон руҳи билан ҳамоҳанг йўлга қўйиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республика болалар кутубхонаси фондида 220 мингдан ортиқ адабиёт мавжуд. Зиё маскани ишини такомиллаштириш, китобхонларга хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш мақсадида kitob.uz сайти яратилган. Айни пайтда болалар томонидан энг кўп фойдаланиладиган бадиий адабиётларнинг электрон нусхаси ушбу сайтга жойлаштириб борилмоқда. Кутубхонада адабиётшунос олимлар, ёзувчи ва шоирлар билан ўтказиладиган учрашувлар, мушоиралар ёш авлоднинг китобга бўлган меҳрини янада кучайтириш, китобхонлик маданиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

– Дарсдан бўш вақтимда ушбу кутубхонага келаман, – дейди Тошкент шаҳридаги 23-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Ситора Абдураҳмонова. – Бу ерда адабий-бадиий китоблар, ўқув-услубий воситалар, «ZiyoNET» жамоат таълим ахборот тармоғидаги маълумотлардан кенг фойдаланиш имкони мавжуд. Китоблар билимимизни мустаҳкамлаш ва бойитиш, аъло ўқишда, одоб ўрганишда бизга жуда катта ёрдам беради.

Тадбир доирасида болалар ўртасида «Энг зукко китобхон» кўрик-танлови, интеллектуал викториналар, спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Ғолибларга эсдалик совғалари топширилди.

## ТАБИАТ БАҒРИГА САЁҲАТ

***Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан ўтказилаётган «Ҳар бир фарзандга меҳр, эътибор!» махсус ҳафталиги доирасида «Sen Yolg'iz Emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси томонидан Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун Бўстонлиқ туманидаги Хўжакент тоғларига саёҳат ташкил этилди.***

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида таълим-тарбия соҳасида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар жараёнида ёшларнинг экологик билими ва маданиятини юксалтириш, уларга табиий бойликларни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, бебаҳо неъматлардан тўғри ва оқилона фойдаланиш ғояларини чуқур сингдиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу мақсадда «Sen Yolg'iz Emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси томонидан Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун ёзги таътилда табиат бағрига, сўлим гўшаларга саёҳат ташкил этиш яхши анъанага айланган. Жорий йилда ҳам махсус режа асосида ишлаб чиқилган дастур бўйича ёз давомида ижодий фестиваллар, кўрик-танловлар, кўргазмалар, маҳорат сабоқларининг ўтказилиши ўғил-қизларнинг бадиий диди ва тафаккурини юксалтиришга хизмат қилади.

– Жонажон Ўзбекистонимизнинг табиати жуда чиройли, бой ва мафтункор, – дейди Тошкент шаҳридаги 22-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Бунёд Акиев. – Биз ушбу саёҳат асносида она Ватанимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлашимиз, унинг неъматларининг қадрига етишимиз зарурлигини янада чуқурроқ англадик.

Саёҳат давомида болалар иштирокида турли спорт ва интеллектуал мусобақалар ташкил этилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Мираъзам Мирозодович Мирқосимовга фарзанди

**Акмал Мираъзам ўғли МИРҚОСИМОВнинг**

бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



Фестиваллар

# СЕНИ КУЙЛАЙМИЗ, ВАТАН

***Юртимизда минг йиллар мобайнида сайқалланиб келаётган ибратли анъана ва қадриятларни тарғиб этиш борасида кўплаб тадбирлар, танловлар уюштирилмоқда. Буларнинг барчаси Ватанимизнинг нурли истиқболи, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, асрлар мобайнида аждодларимиз томонидан яратилган бебаҳо маданий меросимиз, қадриятларимизни қадрлашга, энг асосийси ўзлигимизни англашга имкон яратади.***

Ўзбекистон тарихи Давлат музейида ўтказилган «Ўзбекистон, сени куйлайман» мавзуидаги фестиваль ҳам, ана шу эзгу мақсадлар йўлида ташкил қилинди.

Унда Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси шаҳар Кенгаши тасарруфидаги ташкилот, корхона ва муассасалар ходимлари иштирок этдилар.

— Ушбу фестивални ўтказишдан мақсад, — дейди Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Омонулла Инагамов. — Кенгаш тасарруфидаги ташкилот ва корхоналарнинг ходимларини ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоя қилиш, шу билан биргаликда, меҳнат жамоаларида фаолият олиб бораётган ишчи-хизматчилар ва ёшлар ўртасида кўҳна қадриятларни эъзозлаш, тарихий анъаналар ва урф-одатларимизни ёшлар онгига сингдириш, халқимизнинг бой маданиятини ва миллий фазилатларини тарғиб этиш, уларни бадиий ҳаваскорлик ижодиётига бўлган қизиқишларини ўстиришдан иборатдир. Бу танлов негизида инсонни руҳий покликка етаклайдиган, қалбини иймон-эътиқод нурлари билан чароғон этадиган, руҳиятига гўзаллик ва ором бағишлайдиган мезон мавжуд. Шу билан бирга ҳар хил соҳа ва турли ёшдагиларнинг санъатга ошуфталиги, ҳаётга бўлган муҳаббат туйғуларининг жўшқинлигини кўришимиз мумкин.

Дарҳақиқат, фестиваль нафақат иштирокчилар, балки томошабинлар қалбида ҳам эзгулик, гўзаллик ва санъатга бўлган қизиқишнинг нечоғли юксак ўринда турганлигини ифодалади.

Айниқса тадбирда биринчи ўринни эгаллаган Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ижтимоий гуманитар фанлар кафедраси доценти Дилором Раҳимбобоева ижросидаги «Муаллим» қўшиғи ва иштирокчининг дутордаги жонли мусиқаси барчага манзур бўлди. Иккинчи ўринни эгаллаган Мирзо Улуғбек тумани солиқ инспектори Гавҳар Бойматова ижросидаги «Андижонча рақс» ҳам томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходимлари Баҳодир Валиев ва Дилором Тошпўлатованинг саҳнавий чиқишлари, учинчи ўрин билан баҳоланиб, кишилар қалбида Ватанимизга бўлган садоқат туйғуларининг нечоғли юксак эканлигини кўрсатиб берди.

Фестиваль сўнгида, Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси томонидан ғолибларга фахрий ёрлиқ ва совғалар тақдим қилинди.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**СУРАТДА: фестивалдан лавҳа**

**Козим Ўлмасов олган сурат**

***Қарши шаҳридаги «Насаф» стадионида Амир Темур хотирасига бағишланган кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун анъанавий VI халқаро турнири бўлиб ўтди.***

# КУРАШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ТУРНИР ЯКУНЛАНДИ

Миллий спортимиз – курашнинг жаҳон миқёсидаги нуфузи тобора ортиб бормоқда. Ҳозирги кунда Осиё, Европа, Панамерика, Африка ва Океания кураш конфедерациялари ташкил этилган бўлиб, улар таркибига кирган юздан ортиқ давлатда ўзбек кураши бўйича жаҳон ва қитъа чемпионатлари, халқаро турнирлар ўтказилмоқда, уларда юзлаб полвонлар ғолиблик учун беллашмоқда.

Бу йилги турнирда юртимиз кураш усталари билан бирга Ангола, Бразилия, Буюк Британия, Греция, Грузия, Жанубий Корея, Исроил, Конго, Марокаш, Польша, Туркия, Туркманистон, Украина, Хитой, Франция, Эрон, Қозоғистон, Ҳиндистон каби давлатлардан ўттиз нафардан зиёд полвон иштирок этди.

Халқаро спорт байрамининг тантанали очилиш маросимида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида аҳолининг кенг қатлами, хусусан, хотин-қизлар ва болалар ўртасида спортни оммалаштириш орқали соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, энг чекка қишлоқларда ҳам спорт, жумладан, болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, бу эзгу мақсад йўлида амалга оширилаётган салмоқли ишлар ўзининг юксак самараларини бераётгани алоҳида таъкидланди.

Мусобақа кескин беллашувларга бой бўлди. Айниқса, франциялик Пин Адриян ва ёш ўзбек полвони Самижон Убайдуллаев ўртасидаги финал баҳси барчада катта таассурот қолдирди. Ушбу беллашувда сурхондарёлик С.Убайдуллаев ғолиб чиқди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти совринини қўлга киритди. Бухоролик Ширин Шарипов ва қашқадарёлик Илҳом Жўраевга учинчи ўрин насиб этди.

– Ўзбек кураши оммавийлашиб, энг қизиқарли спорт турларидан бирига айланиб бормоқда, – дейди турнир ғолиби Самижон Убайдуллаев. – Кураш бўйича ўтказилаётган халқаро мусобақалар бир-биридан кучли ва янги полвонларни кашф этмоқда. Бугунги турнирда ғолиб чиқиш осон кечмади. Юртдошларимиз, мухлислар, устозларим ишончини оқлаганимдан бахтиёрман.

– Кураш жуда ҳалол спорт тури, – дейди иккинчи ўрин соҳиби, франциялик Пин Адриян. – Мен ўтган йили Парижда бўлиб ўтган халқаро кураш турнирида ғолиб чиққандим. Рақибим ёш бўлишига қарамай, анча ишончли ва тезкор ҳаракат қилди. Ниятим – ўзбек кураши бўйича тажрибамни янада ошириб, келгуси мусобақаларга пухта тайёргарлик кўриш ва ғолибликни қўлга киритиш.

Халқаро спорт байрами тадбирларида Қашқадарё вилояти ҳокими Т.Жўраев қатнашди.

**Феруз ХОЛМИРЗАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

# ЧЕКИШ — ИНСОН САЛОМАТЛИГИ КУШАНДАСИ

***Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамда Тошкент молия институти, «Экосан» халқаро жамғармаси ҳамкорлигида Бутунжаҳон чекишга қарши кураш куни муносабати билан «Чекиш инсон саломатлигининг кушандаси» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.***

Тошкент Молия институтида бўлиб ўтган ушбу тадбирда шу институт профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Давра суҳбатида сўзга чиққан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги «Маънавият ва маърифат» марказининг «Маънавият тарғиботи» гуруҳи раҳбари Абдумуталлиб Раҳимов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутати Зуҳра Ботирова, Тошкент Тиббиёт академияси «Онкология» кафедраси доценти Шуҳрат Шукруллаев ва бошқалар «Чекиш ва унинг зарарли оқибатлари», «Ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш жамият тараққиётининг муҳим омили», «Чекиш ва саратон» каби мавзуларда маърузалар қилдилар.

Маъруза, мунозара ва савол-жавобларда чекиш, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик каби зарарли одатларни жамият ҳаётидан сиқиб чиқариш, шунингдек, мана шундай салбий иллатларнинг ёшлар тарбияси ва маънавиятига таъсирининг олдини олишга эътибор қаратилди. Тадбирда «Экосан» халқаро жамғармаси томонидан инсон саломатлиги масаласи билан уйғунлашган китоблар кўргазмаси ташкил қилинди.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

***Уй шароитида тайёрласа бўладиган оддий малҳамлар борки, бунинг учун озгина қунт бўлса кифоя. Масалан, қатиқ ёрдамида фойдали малҳамларни тайёрлаб, истеъмол қилиб турса бўлади.***

Саломатлик

# ҚАТИҚ — ЮЗ ДАРДГА МАЛҲАМ

Агар камқон, ҳорғин бўлсангиз, бир пиёла қатиққа бир дона майдаланган ёнғоқ мағзи талқонини, озгина укроп ва бир дона олмани майдалаб тўғраб яхшилаб аралаштиринг-да, хоҳланг ўзини, хоҳланг нон билан еб олинг. Бундай аралашмани истеъмол қилганингиздан сўнг чой, сув ёки бошқа ичимликларни ичиш тавсия қилинмайди. Сабаби, қатиқ танадаги, айниқса, меъда, ичак, ошқозондаги заҳарларни ҳайдаб чиқаради. Укроп билан олма эса танада етишмаётган микроэлементлар ўрнини тўлдиришга ва моддалар алмашинувининг яхшиланишига хизмат қилади. Ошқозондаги дамликни ҳам йўқотади.

Агар асабийлашув, ошқозон оғриғи сизни тарк этмаётган бўлса, бир пиёла қатиққа саримсоқпиёздан майдалаб солиб, суви қочган нон билан истеъмол қилинг. Саримсоқпиёзни кўнглингиз кўтармаса, ўрнига турпдан фойдалансангиз ҳам бўлади. Бундай оддий малҳам юрак оғриғига, қон босимига ҳам ижобий таъсир этади.

Бир қатор хонадонларда қатиқдан сузма олиниб, зардоби тўкиб юборилади. Лекин қатиқ зардобини таомларда масалан, маставага сув ўрнида ишлатсангиз, овқатнинг шифобахшлиги ортади.

Форслар маставани ана шундай йўл билан тайёрлайдилар. Аслида, мастава сўзи форсча бўлиб, «қатиқ зардоби» деган маънони билдиради. Бундай таомга ялпизнинг 5-6 дона баргидан солиб қўйсангиз, у янада шифобахш бўлади.

Яна айтиш керакки, баҳорги кўкатларни тўғраб, янги ивиган қатиққа аралаштириб салат тайёрлаб истеъмол қилсангиз танангизга куч-қувват бағишлайди.

**Очил ХАЗРАТОВ тайёрлади**

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

## ШАРҚ ҲИКОЯТ ВА РИВОЯТЛАРИ

**Одамлар бировнинг яхшилигини эмас, ёмонлигини гапирадилар.**

* * *

**Инсон ўзи учун ҳам яшаши керак.**

* * *

**Ҳисоб-китоби тўғри киши аросатда қолмайди.**

* * *

**Сохтакорлик дарҳол кўзга ташланади.**

* * *

**Ҳар қандай фойда зиёндан холи эмас.**

* * *

**Одамзод бошқаларга ҳавас қилиб яшайди.**

* * *

**Кўп нарса кишининг ўзига боғлиқ.**

* * *

**Ким билан ўтириб туришни ҳам билиш керак.**

* * *

**Яхшиликни билмайдиганлар, одатда, ҳаммадан кўп яхшиликдан баҳраманд бўладилар.**

* * *

**Молу давлатнинг ўзи бахтли бўлиш учун кифоя эмас.**

* * *

**Билиб бўлмас ҳамма нарсани, Қилиб бўлмас ҳамма нарсани.**

* * *

**Дўстликнинг ҳам ҳаққи бор.**

* * *

**Баъзи ишлар бировга ялинганингга арзимайди.**

* * *

**Эътироф кишига хуш ёқади.**

* * *

**Аёлларнинг тасаввури ақлидан устун.**

* * *

**Одамлар бошқаларни муҳокама қилиб чарчамайдилар.**

* * *

**Нодоннинг кўнгли тор бўлади.**

* * *

**Баъзиларга тўғри гапни ҳам гапириб бўлмайди.**

* * *

**Қафасдаги қуш эгасига ўрганиб қолиши мумкин, лекин зинҳор уни севмайди. Қафаснинг эшиги очиқ қолиши билан учиб кетади.**

* * *

**Берса шукр қил, олса сабр.**

* * *

**Дўстлик ҳам, муҳаббат ҳам ўрни келганда қурбонлик талаб қилади.**

* * *

**Хотиржам бўлмаган кишининг ёмон тушлар кўриши табиий.**

* * *

**Андишасизлик фойдангга хизмат қилиши мумкин, лекин у ҳеч қачон фазилат бўлолмайди.**

* * *

**Қўлидан иш келган хор бўлмайди.**

**(Давоми бор)**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

*Кўчмас мулк сотишни ёки сотиб олишни хоҳлайсизми?*
*Бу борада ишончли ҳамкор излаяпсизми?*
*Унда шошилиб таваккал қилманг.*
*Акс ҳолда, вақтингиз ҳамда нақдингизни беҳудага совуришингиз мумкин.*

Kўчмас мулк бозорида 1-сонли риэлторлик лицензиясига эга бўлган "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Сизга кўчмас мулк, хусусан ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ҳамда тураржой биноларини сотиш ва сотиб олишда ишончли хизмат кўрсатади.

Бунинг учун жамиятимизнинг юқори малакали мутахассисларининг (+99890) 998-62-72, 977-82-55, 977-77-85 телефон рақамларига қўнғироқ қилинг ва улар билан тўғридан-тўғри боғланинг. Кўчмас мулкингизни оммавий тарзда ўтказиладиган савдоларда шаклланган ҳақиқий нархлар билан таққослаган ҳолда республика миқёсида тарғиб этилиб, энг юқори нархда сотилиши кафолатланади.

Маслаҳат ва консалтинг хизматлари қонунчиликда белгиланган тартибда, шартномалар асосида амалга оширилади.
"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати, қулайлиги ва арзонлиги билан Сизни, албатта, қувонтиради.

*Унутманг! "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ кўчмас мулк бозорида энг биринчи ва энг ишончли ҳамкордир.*

Мурожаат қилинг ва барака топинг!

Лицензия: RR-0001.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 223-хона.

Мирзо Улуғбек тумани, Темур Малик 1-тор кўчаси, 8-уйда яшаган Усмон Алимовга тегишли бўлган уй режаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **31 май** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 15-17 даража илиқ, кундузи — 32-34 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **31 майда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз кўпайиши тахмин қилинмоқда, тагмиқдори паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9229

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 541

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 9483 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 13.40

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

123 5